



Маликшоҳ Абулфатх Жалолиддин (1055—1092) — салжукийлар султони (1072—92). Маликшоҳ 1072 й. отаси Алп Арслон ўрнига тахтга ўтирган ва давлатни вазир Низомулмулкнинг кучли таъсири остида бошқарган.

Низомулмулк унинг отаси даврида ҳам вазир бўлиб, ёш Маликшоҳга мураббийлик ҳам қилган, Маликшоҳ уни ўз хомийси — отабек деб атаган. Маликшоҳ отаси каби иқтидорли саркарда бўлган. Унинг ҳукмронлиги даврида Салжукийлар давлати ҳудуди жуда ҳам кенгайган (Кашкардан Ўрта денгизгача, Кавказ ва Орол денгизидан Форс қўлтигигача), давлатнинг куч-қудрати ўзининг юқори чўққисига етган. Маликшоҳга ҳарбий жасоратлардан кўра, Низомулмулкнинг мамлакат ички сиёсатида олиб борган фаолияти кўпроқ шухрат келтирган: вайрон бўлган шаҳар, қишлоқлар тикланган, алоқа йўллари яхшилانган, кўплаб хонақоҳлар, масжидлар, қарвонсаройлар, расадхоналар қурилган. Умар Хайём М. топширигига кўра, сосонийларнинг шамсий тақвими ислох этиб, янги тақвим тайёрлаган (у «Маликий йил ҳисоби» ёхуд «Жалол эраси» номи билан машҳур). Нишопур, Басра, Исфаҳон, Хиротда мадрасалар қурилган, хусусан, Бағдоддаги «Низомия» мадрасаси бутун жаҳонга машҳур бўлган. Олимларга хомийлик қилинган. Саройда мунтазам суратда шоирлар анжумани бўлиб турган. Мамлакатда диний толерантлик устун бўлган; М. гарчи сунний бўлсада, шиа имомлари макбараларини зиёрат қилган. Салтанатдаги тартибни шахсан назорат қилиш учун Маликшоҳ ҳаёти чоғида давлат ҳудудини 10 марта кезиб чиққан. У салтанатни 12 та вилоят — мулкка ажратиб, уларни салжукий амирлар ва лашкарбошиларга икто тариқасида берган. Маликшоҳ ҳукмронлигининг сўнгги даврида хашшоийлар сиёсат майдонига чиққанлар.